



## **JUDGE IS A SYMBOL OF PERFECTION JUSTICE AND RESPONSIBILITY**

**A.HAMRAEV<sup>a</sup> Tashkent State University of Law, Tashkent, 100047, Uzbekistan**  
<sup>a</sup> Tashkent State University of Law

## **СУДЬЯ СИМВОЛ СОВЕРШЕНСТВА СПРАВЕДЛИВОСТЬ И ОТВЕТСТВЕННОСТЬ**

**А.ХАМРАЕВ<sup>a</sup> Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047,  
Узбекистан**  
<sup>a</sup> Ташкентского государственного юридического университета

## **СУДЬЯ – МУКАММАЛЫК ТИМСОЛИ** **адолат ва масъулият**

**А.ХАМРАЕВ<sup>a</sup> Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон**  
<sup>a</sup> Тошкент давлат юридик университети

**Аннотация:** Ўзбекистон давлат сифатида ўз мустақиллигига эришган экан, унинг ички сиёсатидаги устувор йўналишиларидан бири – бу суд ҳокимиятининг мустақиллигини, холислигини ва одиллигини таъминлаши десак, муболага бўлмайди. Чунки демократик ҳуқуқий давлат қуришининг асосий шартларидан бири ҳам суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашдир. Мазкур мақола ана шу масалаларга бағишланган.

**Калим сўзлар:** судья, ахлоқ, замонавий муаммолар, суд жараёни ва ҳ.к.

**Аннотация:** в данной статье рассмотрены вопросы независимости судебной системы, проблемы реализации принципов законности и нравственности в деятельности судей. Выполнение судами всего многообразия задач возможна только в условиях, когда судебная власть реально обладает самостоятельностью и независимостью. Судебная власть должна стать стабилизирующей силой в государстве, способной защитить права и свободы граждан, а общество – от социальных конфликтов.

**Ключевые слова:** судья, мораль, современные проблемы, судебный процесс, нравственные начала.

**Abstract:** in this article the questions related with the independence of judicial system, the problems of realization of the principles of legality and morality in judiciary are analyzed. Performance of all variety of tasks by courts it is possible only in conditions when judicial authority really has autonomy and independence. Judicial authority has to become the stabilizing force in the state, capable to protect the rights and freedoms of citizens, and a society – from the social conflicts.

**Keywords:** judge, morals, modern problems, trial and moral beginnings.

Маълумки, демократик ҳуқуқий давлат қуришининг асосий шартларидан бири суд ҳокимиятининг мустақиллигидир. Шунинг учун мазкур йўналишда республикамиизда, энг аввалло, суд ҳокимиятининг ҳуқуқий асоси яратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унга асосан қабул қилинган қатор қонунлар, фармон ва қарорларда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган муҳим ислоҳотлар ўз аксини

топмоқда. Бугунги кунда замонга мос юқори малакали суд кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун барча шароитлар яратилган. Шунинг учун суд маҳкамалари одамларни жазолайдиган орган бўлмасдан, балки инсон ҳуқуқи ва эркини ҳимоялайдиган идораларга айланиши керак. Ушбу фикрни илк бор Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов олға сурган эди.

Дарҳақиқат, судьялик касби инсоният тарихида давлат мавжуд бўлиши билан тенг десак, муболага бўлмайди. Шу касбга муносиб равишда тарбияланган ва ўз замонининг қонун-қоидаларини, урф-одатларини яхши билган, маънавиятли, маърифатли шахслар бу шарафли касбга сазовор бўлган. Лекин ҳамма вақт ҳам шундаймиди, ҳамма судьялар ҳам ушбу буюк ва масъулиятли касбга муносиб бўлганми, деган савол туғилиши табиий.

Яқин ўтмишга назар ташласак, шўролар даврида кўплаб бегуноҳ инсонларни сохта суд жараёнларида айлов хукм чиқариб, озодликдан маҳрум килган судьяларни қоралаймиз. Бунга ўша даврнинг давлат тизими мажбурлаган-ку, деган важлар янги авлод томонидан қабул қилинмаганлигининг гувоҳимиз. Бундай тушунтиришлар уларни оқлай олмайди. Ўша даврнинг амалда бўлган қонун-қоидаларининг барчасини ҳам тўла маънодаги ҳуқуқ асосидаги ҚОНУНлар деб айта олмаймиз. Чунки ҳуқуққа таянган қонунларда инсон манфаатлари олға сурилиши керак. Афсуски, ўша даврнинг ҳуқуқ назарияси бундан йироқ бўлган. Буни ўтмишимиздаги аччиқ ҳақиқатдир, деб тан олиш лозим.

Тарихдан маълумки, чекланмаган ҳуқуққа эга бўлган шоҳлар ҳам одамлар ўртасида бўладиган можаро ва жанжалларни қозисиз ҳал қилмаган. Шу боисдан ҳам аркони давлатда (давлат аппаратида) турли тоифадаги қозилар бўлган. Улар одамлар ўртасидаги барча низоларни қонунларга ва одат ҳуқуқига биноан холислик, бетарафлик принциплари асосида ҳал қилган.

Амир Темур ҳам ўз “Тузуклари”да раият (фуқаролар) ва ҳарбийлар учун алоҳида қозилар иш юритганликлари ҳақида ёзган. Гап шундаки, қонунга эътиқод, хурмат, айниқса, қонунлар ижросини тўла-тўқис бажарилишини назорат қилиш ҳамда қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлашдек ўта мурраккаб, масъулиятли иш қозилар зиммасига юклатилган эди.

Давлат бошликлари жангу жадалларда ҳам қозиларни ўzlари билан бирга олиб юрган ва улар билан қонуний масалаларни бамаслаҳат ҳал қилган. Бу тўғрисида тарихий китобларда мисоллар кўп. Шу ўринда, “Дастур ул-амал”даги ҳикоялардан бирида Султон Ҳусайн Мирзо билан содир бўлган воқеани мисол сифатида келтирамиз. Султон Ҳусайн Мирзо жангда бир кексанинг ўғлини ўлдиради. Қария Ҳусайнга “Санинг била шариатлик ишим бор” деб даъво қиласди. Шунда шоҳ унинг талабига рози бўлиб, қозининг олдига боради. Қози қариядан гувоҳ тилаганда, “Менинг гувоҳимдан бири Мирзонинг адлиидур ва яна бири инсоф” дейди. Қози хукм қилгандан кейин Мирзо буюрадики, “Ўн икки минг ярмоқ била бир қилич олиб келинг”. Олиб келгандаридан кейин Мирзо қарияга қаратади: “Агар қасос қилурсан, анинг қилич ва агар товоң олурсен, анинг ярмоқ”. Яъни қасос олмоқчи бўлсанг, қилич билан мени ўлдир. Агар товоңга рози бўлсанг, ўн икки минг ярмоқни (тангалларни) ол деганида, қария унинг одиллигидан ҳайратланиб, гуноҳидан кечади. Бу ерда биз, биринчидан, оддий инсоннинг шоҳ билан бирдек шаръият қозиси олдида жавоб берганлигини, иккинчидан, гувоҳ сифатида Мирzonинг одиллиги ва унинг виждонига асосланганлигини, учинчидан, шариат нормаларига кўра қасос, яъни қонга-қон, жонга-жон ва агар жабрланган томон рози бўлса, жавобгар товоң тўлаши мумкинлигини, тўртинчидан, томонлар келишувга келса, масала ўз ечимини топганлигини кўрамиз.

Шунингдек, Навоий ўзининг машхур асари – “Махбуб ул-қулуб”да шундай сўзларни битган: “Қозининг кунгли дин илми билан тўла, дунёвий билимлардан хотири хабардор бўлиши керак... Соф кўнгли икки юзламачилик иллатидан холи бўлиши лозим. Қозининг маҳкамаси шариат илмининг хазинаси бўлмоғи, у ҳукм вактида ошнога ҳам, бегонага ҳам бир савияда қарамоғи лозим...”. Шу билан бирга, Навоий ҳақиқий билимдон, одамлар

хурматига сазовор бўлган қозиларни улуғлаб, уларнинг хукмлари ҳадисларга асосланганлигини эътироф этиб, шаръий ҳийлаларни ўз қўнглига, ҳуқуқшуносларнинг шубҳали алдовларини эса замирига йўлатмаслик керак. Порахўр муфтийлар унинг олдида тубан ва хор; ҳийлагар вакиллар унинг қархисида айбдор бўлмоғи зарур, агар илмсиз қози ичкилихўр бўлса, уни ўлдирмок керак ва дўзах ўтига етмасданоқ қуйдирмоқ керак, қози порахўр бўлса, ислом дини кўргонига рахна солувчи бўлади; агар у ўзи пора бериб, қозилик мансабига ўтирган бўлса, пора эвазига шариат қонунини ҳам бузади. Қози қонун йўлидан бир қадам ҳам тоймаслиги – тўғри йўлдан чиқмаслиги лозим”, дея таъкидлайди.

Фатво берувчи қонуншунос – муфтийлар ҳақида эса “Бир сават узум учун бир боғнинг қуиб кетишидан ғам чекмайдиган ва бир ботман буғдой учун бир хирмоннинг соврилишидан ташвишланмайдиган бўлмаслиги лозим”, – дея уларни адолатли, билимдон, инсофли бўлишга чакиради. Дарҳақиқат, буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг сўзлари замирада қанчалик ҳаётий фикр ва қарашлар ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ ёритилганлигини кўрамиз. Улар худди бугунги кун учун яратилгандек ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Юқорида кўрсатилган мисоллар ғарб олимларининг ҳам эътиборидан четда қолмаган.

Хусусан, ўн саккизинчи асрда яшаган Пруссия-Германия давлатчилигининг асосчиси ҳисобланган Пруссия қироли Улуғ Фридрих ва Сан-Сусилик тегирмончи ҳақидаги ҳикоя кўп йиллар давомида жуда машҳур. Ҳикоя қилинишича, қирол шовқин-сурондан четроқда тинчгина дам олиш мақсадида кошона қурдиради. Ундан узоқ бўлмаган жойда эса тегирмон бўлиб, унинг тарақ-туруғи қиролга тинчлик бермайди. Жаҳли чиққан ҳукмдор тегирмончини чақиртириб, унга ғилдираклар овозини тўхтатишни буюрибди. Тегирмончи тегишли муассасаларнинг рухсати билан ишлаётганлигини, уни тўхтатса, тириклиги ўтмай қолишини айтиб, қиролнинг гапига кўнмабди. Шунда қирол дарғазаб бўлиб: “Мен ҳозир аскар юбориб, тегирмонингдан асар ҳам қолдирмайман”, – деганда, унга жавобан тегирмончи: – “Йўқ, ҳазрати олийлари, бундай бўлмайди. Ҳали Берлинда судьялар бор”, – дебди. Қирол ўйланиб, унга тан берибди. Негаки тегирмончиси ҳукмдорга шундай қарши гапира оладиган давлат адолатли давлат ҳисобланади. Фуқаролар қирол судларининг адолатлилигига шунчалик ишонган давлатда одамлар ўзларини, албатта, хавфдан холи деб хис қилишлари аниқ. Бу эса қирол учун ҳар қандай қулайликдан афзалдир.

Бизнинг давримизда судьялар мустакиллиги қонунда кафолатланган, судлар учун мамлакатимизда тўла имкониятлар яратилган. Шундай экан, судьялар бунга жавобан қандай ишляяпмиз деган савол устида бош қотиришлари лозим. Улар ўз мустакиллигининг қадрига етишлари ва уни сақлаб туришга интилишлари керак.

Афсуски, амалиётдан шу нарса маълум бўлмоқдаки, ҳали ҳанузгача айrim судьяларнинг тафаккур қилишларида қўрқув, ҳадиксираш, жасоратсизлик ва энг муҳими жавобгарликни ўз зиммасига олишдан қочиш каби ҳолатлар кузатилади. Бунинг оқибатида қанчадан-қанча оворагарчилик, шикоятларга сабаб бўлувчи “чала” ҳукм ва қарорлар қабул қилиш каби қўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари тушунчаси кишилар онгидан чуқур ўрин олган давлатлар орасида яшар эканмиз, судья кўп нарсани билиши ва уddyalай олиши керак. Бундай вазиятда ишни ҳалол, вижданан ҳал қилиш учун, ҳақиқатан ҳам, жуда катта маънавий матонат керак.

Қонунчилик судьялардан сиёсий фаолликнинг барча шаклларига нисбатан мутлақо бетарафликни талаб қиласди. Сиёсий фаолиятда иштирок этмаслик мажбуриятини қатъий тарзда тушуниш лозим: ҳатто судьянинг бирон-бир сиёсий партия мажлисидаги иштироки ҳам уни шу партияга хайриҳоҳ, деган таассурот уйғотиши мумкин. Баъзилар буни фуқаролик ҳуқуқларини қандайдир алоҳида чеклаш деб ҳисоблайди. Эҳтимол шундайдир, лекин ҳар бир номзод бундай чеклашнинг мавжудлигини яхши билиб, судьялик

лавозимга ўтаётиб, онгли равишда ўзининг розилигини билдиради. Бундан ташқари, бу ягона чеклаш эмас.

Жамиятда судьялик касби одил судловга жамоатчиликнинг ишонч даражаси уларнинг нечоғли қонуний ваadolатли фаолият юритиши билан боғлиқ. Бу эса улардан ҳатто шахсий ҳаётда ҳам алоҳида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишни талаб қиласи. Чунки инсонлар тақдирини ҳал қилувчиларнинг ўзи ҳам барча фазилатларда намуна бўлиши лозим. Ҳаётимизда баъзан кўзга ташланадиган бу тамойиллардан баъзи бир чекинишлар бир лаҳзалик характерга эга бўлишини истардик. Нима ҳам дердиқ, бу инсонга хос заифлиқдир.

Баъзан судья мустақиллиги учун кураш драматик тус олади. Фараз қилайлик, юқори давлат мансабдори телефон трубкасини олиб, суд раисига қайсиdir ҳукмга нисбатан (аслида қандайдир кам аҳамиятли иш бўйича) жуда қўпол шаклда ўз норозилигини билдиради. Шу билан у ўзининг обрўсини тушириш билан бирга, ўзи турган “шохни кесганлигини” ҳам англаб етмайди. Чунки бундай ҳолатлар жамият ривожига тўсқинлик қиласи ва охир-оқибатда ўша шахснинг ҳаётида ҳам ўз аксини топади.

Судья ҳар қандай ҳолатда ўзини муносиб тута олиши, ўз шаънини ҳимоя қилиб, фақат қонун ва ички ишончи асосида қарор қабул қилиши лозим. Шундагина судья, юксак ҳурматга сазовор машҳур юрист сифатида бошқалар учун намунали шахсга айланади.

Демак, судьялар “Ўз қадрингни ўзинг бил” деган қоидага амал қилиши керак.

Судьянинг қонун ҳақидаги фикрини ифодалашнинг асосий, ягона шакли адолатли қарор (ҳукм) дир. Амалдаги қонунчилик бундай ҳолатда судьялик фаолиятини умуман бошқа бирон-бир фаолият билан бирга олиб боришни ман қиласи. Фан бундан истиснодир: улар дарс беришлари, илмий иш ёзишлари мумкин. Унинг ўзини намоён қилувчи асосий майдони – суд зали (мажлиси) дир.

Судьянинг мустақиллиги қарор чиқаришдаги мустақиллигидир. Содда қилиб айтганда, бу Конституция ҳамда бошқа амалдаги қонунлар бўйича, судьяга бирор ким мажбур қилиш у ёқда турсин, ҳатто кўрилаётган иш бўйича чиқариладиган ҳукмнинг маъноси қандай мазмунда бўлиши керак ёки бўлиши мумкинлигини айтишга журъат қила олмаслигини билдиради. Судьяда фақат битта мажбурият амалдаги қонунга мувофиқ келувчи энг адолатли, энг ҳалол қарор (ҳукм) чиқариш вазифаси бор.

Дарҳақиқат, судья учун муҳим қоидалардан бири ўзидан мустақил бўлишидир. Судья мақомининг мустақиллиги (ҳар қайсимизнинг эркинлигимиз каби) баъзан ўзининг шахсий мустақиллиги даражасидан ҳам юксакликка кўтарилиши лозим. Судьяда ҳам одамларнинг ҳар бири сингари барча инсоний ҳис-туйғулар мавжуд: гўзаллик, улуғворликдан фахрланади, пастлик, разилликдан жирканади. Бошқаларда бўлганидек, у ҳам баъзан ўзи ўрганиб қолган одатлар, тасаввурларни тарқ этиши қийин. Судьялардан бирининг сўзига қараганда, ҳаммасидан қийин ва оғир иш – бу ўта оғир жиноят содир этган, қаттиқ нафрат уйғотадиган кишига нисбатан одил судловни амалга оширишдир. Ўзидаги ана шу субъектив ҳис-туйғуларини енгил, объектив ҳукм чиқарган судьяни ҳақиқий судья деб атаса бўлади.

Судьялар мустақиллигини қандай таъминлаш керак деган саволга, бизнингча, жавоб битта: шундай қилиш керакки, судьяларнинг ўзи мустақил бўлишни исташи ва уddaлаши керак. Бунга эришиш учун бу касбнинг эгалари энг яхши, энг ақлли, юқори маълумотли, тартиб-интизомли, оқилона фикрловчи кишилар бўлиши лозим. Демократик ривожланган давлатда судьялик вазифасини фақат олий сифатларга, юксак касбий ва этик малакага эга бўлган кишилар, дунёда содир бўлаётган муаммоларни яхши тушунадиган, ақлан ва ахлоқан етук, ўз эътиқодларига қаттиқ ишонадиган ва ҳар доим уни ҳимоя қила оладиган, касбий ва маданий онги равшан, хуллас, ҳар томонлама баркамол кишилар бажара олади.

Foydalaniman adabiyotlar:

1. Alisher Navoiy. Mahbub ul-qulub (Qalblar sevgilisi). - T.: G'ofur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1983. - B.111.
2. Temur tuzuklari. - T.: G'ofur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1999.
3. Karimov I.A. Adolat - qonun ustuvorligida: Prezident I.Karimovning O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining ikkinchi chaqiriq oltinchi sessiyasidagi ma'ruzasi // Halq so'zi. - 2001. - 30 avgust.; Ishonch. - 2001. - 31 avgust.
4. Xamrayev A.A. Sudyalar kasbiy-malakaviy huquqiy ongi: shakllanishi va rivojini ta'minlashning nazariy va amaliy jihatlari. - T.: Respublika yuristlar malakasini oshirish Markazi. 2007. - B.304.
5. Xamrayev A.A. Hammualliflikda. O'zbek davlatchiligi tarixi (O'zbekiston Respublikasining tashkil topishi III kitob). - T.: Fan va texnologiya, 2015. - B.228.
6. Gruziya davlati Tibilisi shahrida 2002 yilda o'tkazilgan sud islohatlariga bag'ishlangan xalqaro anjuman materiallari.